



20 14 yil " 13 " Сентябрь

87-186 - sonli

**Вилоят ҳудудида чиқиндиларни
тўплаш ва олиб кетиш хизматлари
тарифларини белгилаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг "Чиқиндилар тўғрисида"ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 14 августдаги "Аҳолига сотиладиган ёқилғи, энергия ва кўрсатиладиган хизматлар чакана нархлари ҳамда тарифларини қайта кўриб чиқиш тўғрисида"ги 381-сон ва 2014 йил 15 июлдаги "Коммунал хизматлар кўрсатиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида"ги 194-сон қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Белгилаб қўйилсинки:

вилоятдаги барча ихтисослаштирилган санитария-тозалаш ташкилотларининг хизмат кўрсатиш доирасида жойлашган кўчмас мулк объектлари эгалари (юримдик ва жисмоний шахслар) улар билан чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш хизматлари кўрсатилиши шартнома асосида амалга оширилади;

чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматларини кўрсатувчи юримдик шахс (кейинги ўринда Ижрочи) тузилган шартномалар асосида юримдик ва жисмоний шахсларга (кейинги матнда Истеъмолчи) чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш хизматларини кўрсатади;

чиқиндилар чиқинди йиғиш пунктларидан – ҳар куни, хусусий сектордан "сигнал" усулида – уч кунда бир маротоба олиб чиқиб кетилади.

2. Вилоят экология ва табиатни муҳофаза қилиш бошқармаси (У.Туропов), вилоят ДСЭНМ (А.Мустанов) кузги ялпи хазонрезги мавсумида дарахтлардан тўқилган барглари ёқиш қатъиян тақиқланишини аҳолига етказилишини, улар махсус ажратилган жойлардан кўчалардаги, уйлар олдидаги смётлар (чиқиндилар учун махсус кути) билан бирга олиб чиқиб кетилишини қатъий назорат қилсин.

3. Қуйидагилар:

Истеъмолчилар томонидан чиқиндиларни кўчаларга, сув йўлларига, ариқларга чиқиндиларни тўплаш ва кўмиб ташлаш учун ажратилмаган

жойларга, шунингдек, ҳаракатдаги автотранспорт воситасидан йўлаклар ва кўчаларнинг транспорт юрадиган қисмига ташлаш;

кўп қаватли уйларнинг хоналарида чиқиндиларни тўплашни ва сақлашни ташкиллаштириш қатъиян тақиқлансин.

4. Термиз шаҳар ва барча туманларда чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш бўйича кўрсатилган хизматлар учун тўловлар тарифлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Қуйидаги тартиб ўрнатилсин:

юридик шахслар чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш бўйича кўрсатилаётган хизматлар қийматининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан тўловни, кўрсатилган хизматларнинг тўлиқ ҳисоб-китобини эса календарь ойи тугагандан кейин 30 кун давомида амалга оширади;

жисмоний шахслар томонидан қабул қилинган чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш бўйича кўрсатилган хизматлар учун тўловлар, тасдиқланган тарифлар ва чипталарнинг белгиланган намуналарига асосан, жорий ойдан кейинги ойнинг 10-санасидан кечиктирмай амалга оширилади.

6. Вилоятдаги барча истеъмолчилар:

чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш хизматлари учун тузиладиган шартноманинг талабларини бажариши;

чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар учун тўловларни ўз вақтида амалга ошириши;

хонадонда ёки хусусий уй-жойда истиқомат қилувчиларнинг ҳақиқий сони ҳақидаги ҳаққоний маълумотларни ўз вақтида тақдим этиши;

чиқиндиларни ахлат тўплаш шахобчаларига жойлаштириш учун кўп қаватли уйлардаги Истеъмолчилар чиқиндиларнинг турлари бўйича пакетларга жойлаб, тегишли қути (контейнер)ларга ташлаши;

чиқинди ташлаш қути (контейнер)лари, чиқинди тўплаш шахобчалари, чиқинди тўловчи камера ва бошқа ускуналарнинг носозликлари аниқланганда, бу ҳақда Ижрочиларни дарҳол хабардор қилиши лозим.

7. Термиз шаҳар ва барча туманлар ҳокимликлари:

ўз расмий сайтлари орқали, шунингдек, бошқа маҳаллий оммавий ахборот воситалари орқали оммага тушунарли тарзда истеъмолчини кўрсатилаётган хизматлар, улар учун белгиланган тарифлар, тўлаш шартлари, хизматлар кўрсатиш режими тўғрисидаги ахборотлар билан таъминлаш;

чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш хизматлари хизмат кўрсатиш бўйича шартнома намунаси, хизматлар таркиби, тақдим этиладиган хизматларнинг амалдаги тарифлари, тўлов ҳужжатларининг намуналари, чиқиндиларни олиб чиқиб кетишнинг муддати тўғрисидаги маълумотлар вилоятдаги барча маҳалла фуқаролар йиғинлари, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларида эълон пешлавҳасида танишиш учун қулай тарзда жойлаштирилишини ташкил этиш;

санитария тозалаш хизмати тарифларини тасдиқлаш бўйича қабул қилинган ҳужжатларини ўн кун муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштириш вазифаси юклатилсин.

8. Вилоят телерадиокомпанияси (Ш.Шокиров), “Сурхон тонги” ва “Заря Сурхана” газеталари бирлашган таҳририяти ДК (Р.Раҳимова) ва бошқа маҳаллий оммавий ахборот воситаларига аҳолининг экологик маданиятини янада ошириш, соҳада амалга оширилаётган ислохотлар ва зарурий маълумотлар ҳақида аҳолини хабардор қилиш мақсадида туркум кўрсатув, эшиттириш ва ижтимоий роликларни эфирга узатиш ҳамда босма нашрларни чоп этиш тавсия этилсин.

9. “Сурхон тонги” ва “Заря Сурхана” газеталари таҳририяти давлат корхонаси (Р.Раҳимова) мазкур қарорнинг тўлиқ матнини матбуотда эълон қилсин.

10. Қарор эълон қилинган кундан кучга киради.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Т.Боболов ҳамда вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Амиров зиммаларига юклансин.

Вилоят ҳокими



Э.Турдимов



Вилоят ҳокимининг
2017 йил "13" сентябрдаги
22-486 "-сон қарорига
илова

Сурхондарё вилояти бўйича Қаттиқ ва сууқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш кетиш хизматлари тарифлари ҳисоб-китоблари

Т/Р	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	Вилоят бўйича ўртача кўрсаткичлар
I.	Чиқинди ташиш техникалар сони (мусоровоз)	дона	92
	Аҳоли сони	минг киши	2 248,6
	Юридик шахслар сони	дона	4 614,0
	<i>Шу жумладан қамраб олиш:</i>		
	аҳоли	минг киши	766,9
	<i>қамров даражаси</i>	%	34%
	Юридик шахслар сони	дона	2 289,0
	<i>қамров даражаси</i>	%	50%
II.	Тариф (нархи)		
	аҳоли учун	сўм/бир одамга бир ойда	1 700
	юридик шахслар учун	сўм/м³	25 000
III.	Жами кўрсатилган хизмат ҳажми	минг. м³	449,0
	аҳоли учун	минг. м ³	346,0
	юридик шахслар учун	минг. м ³	103,0
IV.	Даромадлар	млн. сўм	18 219,7
	аҳолидан	млн. сўм	15 644,5
	Юридик шахслардан	млн. сўм	2 575,1
V.	Харажатлар	млн. сўм	17 039,8
5.1.	Ишлаб чиқариш таннархи	млн. сўм	12 637,5
	Ёқилғи харажатлари	млн. сўм	3 318,2
	Автошиналар харид қилиш учун харажатлар	млн. сўм	799,7

Т/Р	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	Вилоят бўйича ўртача кўрсаткичлар
	Ҳайдовчи ва ишчилар иш ҳақиси (грузчиклар)	млн. сўм	3 143,4
	ЕСП (25%)	млн. сўм	785,8
	Амортизация	млн. сўм	1 648,2
	Автомашиналар жорий ремонтлари ва техник хизмат харажатлари	млн. сўм	329,6
	Қаттиқ маиший чиқиндиларни сақлаш жойи полигонлар харажати	млн. сўм	1 433,9
	Бошқа ишлаб чиқариш харажатлари	млн. сўм	1 178,7
5.2.	Давр харажатлари	млн. сўм	4 007,5
	Маъмурий харажатлар	млн. сўм	3 087,0
	“Тоза ҳудуд” ДУКни сақлаш харажатлари	млн. сўм	91,1
	Бошқа операцион харажатлар (3,5%)	млн. сўм	637,7
	Бошқа харажатлар	млн. сўм	191,7
5.3.	Молиявий фаолият бўйича харажатлар	млн. сўм	0,0
VI.	Солиқ тўлангунга қадар фойда (II-III)	млн. сўм	234,6
	Фойда солиғи	млн. сўм	118,1
	бошқа солиқлар	млн. сўм	116,5
VII.	Соф фойда	млн. сўм	1 179,9
	<i>Рентабеллик даражаси</i>	<i>%</i>	<i>9,3%</i>

Ижрочи: Саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари қотибияти I-тоифали мутахассиси О.Тошпўлатов